

“БОЛАЖОН”

ТАЯНЧ ДАСТУРИ БЎЙИЧА
БАДИЙ АДАБИЁТ МАЖМУАСИ
1-КИТОБ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

“БОЛАЖОН”

таянч дастури бўйича бадиний адабиёт мажмуаси

БИРИНЧИ КИТОБ

Гўдаклик даври (1 ёшгача)

Илк гуруҳ(2-3 ёшгача)

Кичик гуруҳ(3-4 ёшгача)

Ўрта гуруҳ(4-5 ёшгача)

ТОШКЕНТ
YANGI NASHR
2017

УЎК: 821.512.133-053.3

КБК 74.102

Б-83

“Болажон” таянч дастури бўйича бадий адабиёт мажмуаси:
Китоб 1 / тузувчи З.Иброҳимова; масъул муҳаррир: Т. Адашбоев;
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. – Тошкент:
«Yangi nashr» 2017. – 160 б.

ISBN 978-9943-22-258-8

КБК 74.102

84(5Ў)7

Тузувчи:

Замира ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари номзоди.

Масъул муҳаррир:

Турсунбой АДАШБОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги
болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши аъзоси.

Такризчилар:

МТМХҚТУМОРЎМ Маркази раҳбари - Аъзамова М.Н., мазкур марказнинг Методик ишлар мактабгача таълим сифат ва самарадорлиги бўлим бошлиғи Раҳмонкулова З., ТВПКҚМОИ доценти, педагогика фанлари номзоди, доцент - Хурвалиева Т.Л., Учтепа тумани “Роҳат” номли 455-МТМ мудираси - Ҳидоятова Д.Ш. ва тарбиячи - Патхуллаева Б.Я., мазкур тумандаги “Нафосат” номли 465-боғча тарбиячиси - Ортикова М.Ю..

Қайта ишланган, иккинчи нашири.

ISBN 978-9943-22-258-8

© «Yangi nashr», 2017 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

*Абдулла Орипов сўзи,
Мутал Бурҳонов мусиқаси*

Серкуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илм-у фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Н а қ о р а т

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар она-юрт, мангу бўл обод!

Н а қ о р а т

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

К И Р И Ш

Болалар оламини бадий китобсиз тасаввур этиш қийин. Бадий китоблар боланинг илк ёшидан бошлаб қалбига эзгулик уруғларини сочади, унга яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуқлик, одоб ва одобсизлик ҳақида дастлабки тушунчаларни беради. Боланинг маънавий салоҳиятини оширади, дунёқарашини кенгайтиради, бадий-эстетик дидини ўстиради, нутқини ривожлантиради, юксак инсонийлик руҳида тарбиялашда муҳим рол ўйнайди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга мунтазам равишда бадий асарлар, хусусан, халқ эртаклари, дostonлар, афсоналар, ривоятлар, адабий эртақлар, ҳикоялар ўқиб ва сўзлаб берилади. Шеърлар ифодали ўқилади ва ёдлатилади.

Икки китобдан иборат бўлган мазкур мажмуа мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ва такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури асосида қайта ишланди.

Такомиллаштирилган таянч дастурининг “Бадий адабиёт” йўналиши бўйича болани маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга, қалбида китобга нисбатан ҳавас уйғотишга, илк китобхонлик маданиятини шакллантиришга янада кенгроқ аҳамият берилди. Бўлим янги, қизиқарли асарлар билан бойитилди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг бадий асарлари билан бир қаторда турли халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг асарларига ҳам катта ўрин берилди.

Биринчи китобдан гўдақлик даври, илк гуруҳ, кичик гуруҳ ва ўрта гуруҳ; иккинчи китобдан: катта гуруҳ, мактабга тайёрлов гуруҳи болаларига тавсия этилган бадий асарлар жой олган.

Илк, кичик, ўрта, катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларига мўлжалланган хилма-хил жанрдаги асарлар, дастурда қайд этилганидек, «Ўқиб бериш», «Ёд олиш ва ифодали ўқиш», «Сўзлаб бериш» тартибида жойлаштирилди.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Дастурдаги тавсиялар болани бадий адабиёт билан таништиришда қатъий қолип бўлиб қолмаслиги керак. Тарбиячилар унга намуна сифатида қарашлари, ижодий ёндашишлари лозим.

Шу маънода, мажмуанинг ҳар икки китобига «Қўшимча адабиётлар» бўлими киритилди. Ушбу бўлимлардан жой олган асарлар «Ўқиб ва сўзлаб бериш», «Ифодали ўқиш» тарзида ажратиб берилган. Тарбиячилар эргалабки ёки кечки соатларда кичкинтойларнинг тушуниш ва ўзлаштириш даражасига қараб, тавсия этилаётган ҳикоя ёки эртакни бемалол сўзлаб ёки ўқиб бериши, ўзига ва болаларга маъқул келган хоҳлаган кўшиқларнию шеърий асарларни ифодали ўқиб бериши ёки ёдлатиши мумкин.

«Қўшимча адабиётлар» бўлимида илк гуруҳдан бошлаб халқ оғзаки ижоди намуналаридан мавсум кўшиқлари, ўйин кўшиқлари, ялинмачоқлар, халқ топишмоқлари, санамалар, мақоллар, адабий топишмоқ ва тез айтишлар ҳам жой олган. Шунингдек, мажмуанинг ҳар икки китобида “Илова” берилаяпти. Биринчи китобга Қ. Раҳимбоевнинг қиш, баҳор, ёз, куз ҳақида, М. Муродовнинг «Наврўзи олам»; буюк сиймолардан Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти; иккинчи китобга М. Алавиянинг «Наврўз – баҳор байрами»; Х. Давроннинг «Ягонадир Ватанинг сенинг», Э. Маликовнинг «Байроқ, герб ва мадҳия ҳақида жажжигина эртак» ва Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бадиий матнлар ҳам киритилган. Бундан кўзда тутган асосий мақсадимиз тарбиячига шу мавзу асосида ташкил этадиган машғулот ва байрам тадбирлари самарадорлигини оширишда кўмак беришдир.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичкинтой билан бевосита мулоқотда бўлаётган на фақат тарбиячи, балки ҳар бир ота-онанинг нияти «Бола китоб билан биргаликда ўсиб, камол топсин», деган шиор даражасида бўлиши лозим. Зеро, бола узлуксиз равишда ҳар куни китоб билан учрашсагина, китобга ўрганади, унга меҳр қўяди ва у билан бир умрга дўст бўлиб қолади.

Замира ИБРОҲИМОВА

ГЎДАКЛИК ДАВРИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Бешик кўшиқлари

* * *

Алла кўзим, кундузим, алла,	Атрофингда айланиб,
Ором ол, кўзим алла...	Шамол бўлиб елайми?
Ойни олиб берайми?	Асалимга аталган
Гуллар териб келайми?	Бешиклари гул тахта.

Ухлаб бир ором олгин,
Елканг мулойим – пахта.
Алла болам, ол болам,
Гапга қулоқ сол, болам.

Алла айтсам, ухлагин,
Тиллари асал болам.

* * *

Алла айтай тонг отгунча,	Алла, алла, алладан-ай,
Уйқу келмас кун ботгунча,	Кокиллари тиллодан-ай.
Нури дийдам, алла,	Ўқиб келган муллодан-ай,
Кўзичоғим, алла.	Алла, кўзим, алла.
Алла-ё, алла.	Алла-ё, алла.

Алла, кўзим, ол, кўзим,
Олмалари нор кўзим.
Анжирлари бол кўзим,
Алла, болам, алла.
Алла-ё, алла.

* * *

Умримнинг ширин они,
Оқ буғдойнинг нони.
Ҳамма ёмон кўрсаям,
Ойисининг жони,
Алла-ё, алла.

Кичкинасан, лоласан,
Алла, болам, алла.
Қачон катга бўласан?
Алла, болам, алла.

Қизил гулнинг жони,
Дилимнинг меҳмони.
Дардинг олай ўзим,
Онасининг жони,
Алла-ё, алла.

Боғ ичида чаман гуллар,
Алла, кўзим, алла.
Сайрайди шайдо булбуллар,
Алла, кўзим, алла.

Сен бошимнинг баҳори,
Сен умримнинг наҳори.
Сен қалбимнинг оҳори,
Онасининг шунқори,
Алла-ё, алла.

Тол ичидан танлаб олган
Тол чавқоним болам, алла.
Гул ичидан искаб олган
Гул-у райҳоним болам, алла.

Алла, болам, алла,
Жоним болам, алла.
Икки кўзим, алла,
Ширин сўзим, алла.

Айтим-олқишлар

Боланинг тиши чиққанда айтилади:

Икки тишингдан айланай,
Қилган ишингдан айланай.
Мадрасанинг куббасидай
Лўнда бошингдан айланай.

Икки тишингга дур бўлай,
Этган ишингга кул бўлай.
Халойиқнинг кўзи бўлиб,
Дуогўйинг ўзим бўлай.

Бола мустақил ўтирганида айтилади:

Ўтирсин-о, ўтирсин,
Бошини гулдан тўлдирсин.
Шугинани кўрган қизлар
Ҳавас билан кулдирсин!

*Бола мустақил тура бошлаганида, юра бошлаганида ай-
тилади:*

Той-той, болам, той, болам,
Ширин эркатой болам,
Юмшоқ саримой болам,
Ўзимнинггина ой болам.

Адақ-адақ юрсин,
Шунга тикан кирмасин.
Кўзи қаттиқ банданинг
Кўзи шунга тегмасин.

* * *

Чопиб-чопиб юрганда
Чақир шунга урмасин.
Югуриб-югуриб юрганда
Сира тикан кирмасин.

Боланинг бармоқларини бирма-бир букиб, айтилади:

Бош бармоқ,
Бодом бармоқ,
Ўрға терак,
Ҳожимирак,
Кичкина бўбак.

Охирги сатр айтилаётганда боланинг кўкси қитиқланади.

Боланинг қўлчаларини чапак-чапак қила туриб айтилади:

Чапак-чапак,
Пиширдик чалпак.
Деразага кўямиз,
Совишини кутамиз.

* * *

Ҳой-ҳой, чапак-чапак,
Чапакиси кимга керак?
Отажони бозор борса,
Телпаги сувсари керак.

Бола касал бўлганида айтилади:

Дардингни олай ўзим,
Тўрвага солай ўзим.
Тўрва тешилиб кетсин,
Дардинг тўкилиб кетсин.

* * *

Дардинг урсин дафтарга,
Учиб юрган каптарга,
Ийик билан бийикка,
Сакраб юрган кийикка.

Болани ювинтираётган, чўмилтираётган пайтда айтилади:

Оймома илла,
Қаноти тилла.
Дилшоджоннинг юзини
Совуқ сувга ювма.

* * *

Айланайин оқчамдан,
Лаблари қаймоқчамдан.
Искасам зомичадек,
Чўмилса гул-гунчадек.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3792> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3792> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3792>